

МУСИҚАЛИ ТЕАТРДА ХОРЕОГРАФИЯНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ

Жаникулова Зилола Қиличбоевна
Ўзбекистон Касаба уюшмалари саройи,
актёрлик маҳорати бўйича педагог-репетитор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21675921>

Аннотация

Мазкур тезисда мусиқали театр санъатида хореографиянинг бадиий-эстетик аҳамияти таҳлил қилинган. Хореография спектаклнинг драматургик, характерологик, эмоционал-экспрессив, символик-метафорик, эстетик-композицион, ритмик-структуравий, маданий-интонацион ва коммуникатив функцияларини бажариб, сахнавий образларни пластик воситалар орқали очишга хизмат қилади. Мусиқа ва хореографиянинг ўзаро уйғунлиги, мавзу-жанр мувофиқлиги ҳамда хореографик тайёргарликнинг аҳамияти алоҳида ёритилган. Ўзбекистон мусиқали театрлари мисолида хореографиянинг бадиий салоҳияти амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мусиқали театр, хореография, рақс санъати, бадиий-эстетик аҳамият, драматургия, мавзу-жанр уйғунлиги, мусиқа назарияси, ритм, сахнавий образ.

Кириш

Мусиқали театр синтетик санъат тури бўлиб, унда драматургия, мусиқа, вокал, актёрлик маҳорати ва хореография бир бутун бадиий тизимни ташкил этади. Ушбу санъат турларининг ўзаро уйғунлиги спектаклнинг мазмун-моҳиятини бойитиб, томошабинга кучли эстетик таъсир кўрсатади. Хореография эса мусиқали театрнинг ажралмас таркибий қисми сифатида сахна ҳаракатларини бадиий ташкил этиш, драматик ҳолатларни ёритиш ва қаҳрамонларнинг ички руҳий кечинмаларини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг долзарблиги замонавий театр амалиётида хореографияга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, мусиқали театр актёрларини тайёрлаш тизимида хореографик тайёргарликнинг ўрни ҳамда миллий хореография анъаналарини замонавий сахна ечимлари билан уйғунлаштириш зарурати билан белгиланади. Тезиснинг мақсади мусиқали театрда хореографиянинг асосий функцияларини ва унинг бадиий-эстетик аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Мусиқали театрда хореографиянинг назарий асослари кўплаб театршунос олимларнинг ишларида ёритилган. Расулов У.Ў. таъкидлаганидек, мусиқали драма пьеса, шу асосда ёзилган мусиқа ва режиссёрнинг сахнавий талқини каби уч асосий компонентдан иборат бўлиб, балетмейстер томонидан сахналаштирилган рақслар театрнинг ижодий жамоаси томонидан ўзлаштирилиб, сахнавий хатти-ҳаракатга айлантирилгандагина мусиқали драма ҳосил бўлади. Мавзу ва жанрнинг уйғунлиги эса драматург, бастакор, режиссёр ва балетмейстернинг ҳамжиҳатлигини тақозо этади [1].

Хореографиянинг асосий функциялари. Театр санъати тизимида рақс нафақат эстетик компонент, балки мураккаб семиотик, драматургик ва коммуникацион механизм сифатида ҳам намоён бўлади [2]. Файзуллаева Д.нинг тадқиқотида рақснинг қуйидаги функциялари алоҳида ажратиб кўрсатилган:

Драматургик функция – рақс сюжет динамикасини илгари суриши, воқеалар занжирини визуал кодлар орқали намоён этиши мумкин. Айниқса, пластик театр, балет-

драма ва мюзикл жанрларида рақс сахна ичидаги драматик боғланишлар тизимига кириб, воқеликни сўзсиз ифодалаш воситасига айланади.

Характерологик функция – қаҳрамоннинг ички психологияси, темпераменти, ҳаракат маданияти рақс орқали очилади. Пластик ҳаракатлар интенсивлиги, ритми, динамик хусусиятлари образнинг эмоционал ҳолати ва характер хусусиятларига оид семиотик белгилар тизимини яратади.

Эмоционал-экспрессив функция – театрда рақс кўп ҳолларда эмоцияларнинг концентратлашган шакли сифатида намоён бўлади. Ритм, темп, амплитуда, макондаги ҳаракат конфигурацияси спектаклнинг эмоционал тоналлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Символик-метафорик функция – рақс семиотик система сифатида абстракция ва метафора яратиш қобилиятига эга. Ҳаракатлар орқали хаос, қарама-қаршилик, ички кураш, эркинлик каби тушунчалар бадий тарзда намоён этилади.

Эстетик-композицион функция – рақс спектаклнинг визуал архитектурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ҳаракатлар ритмикаси, сахнавий жойлашув, масса ҳаракатларининг мувофиқлиги спектаклнинг эстетик қиймати ва композицион яхлитлигини таъминлайди.

Ритмик-структуравий функция – рақс спектакл ритмини бошқарувчи структуравий элемент сифатида хизмат қилади. У драматик ҳаракат ритмининг кучайиши, пасайиши ёки асосий узилиш нуқталарини белгилайди ҳамда сахналар ўртасида композицион кўприк вазифасини бажаради.

Маданий-интонацион функция – рақс орқали муайян тарихий давр, миллий ёки этник идентификация, маданий кодификация намоён бўлади. Хореографиядаги услубий белгилар орқали спектаклнинг макон ва замонга хос маданий контексти тўлиқ ёритилади.

Коммуникатив функция – новербал театрда рақс бевосита коммуникация воситаси сифатида фаолият кўрсатади. Мимика, пластика, ҳаракатлар ўзаро муносабатлар ва драматик мазмунни томошабинга етказиши.



1-расм. Муסיқали театрда хореографиянинг бадий-эстетик функциялари (муаллиф ишланмаси).

Муסיқа ва хореография уйғунлиги. Муסיқа ва хореографиянинг ўзаро уйғунлиги спектаклнинг бадий самарадорлигини таъминловчи асосий омилдир. Алимджанова Н.А. таъкидлаганидек, муסיқа шаклини вужудга келтиришда куй, гармония ва ритм асосий аҳамиятга эга бўлиб, айниқса хореография йўналиши талабалари учун куй ва ритм тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Муסיқадаги темп, динамика, лад-тоналлик хусусиятлари хореографик композициянинг характери, ҳаракат амплитудаси ва эмоционал бўёғини белгилайди. Хореограф муסיқий материални чуқур таҳлил қилиши, унинг иборалари, акцентлари ва динамик нюансларини ҳис қилиши зарур [3].

Ўзбекистон муסיқали театрлари мисолида. Сирдарё вилоят муסיқали драма театри спектакллари хореографиянинг бадий-эстетик салоҳиятини ёрқин намоён этади. "Яхши кун" фольклор-этнографик томошасида балетмейстер Санжар Маманазаров қадимги миллий рақс анъаналарига таянган ҳолда "Паранжи", "Ҳилила ёр", "Кичкинажон" каби лапарлардаги рақслар орқали шарқ аёлининг ибоси, ҳаёси ва камтарлигини ифодалаган. "Ҳалала" комедиясида эса турк миллатига хос "Ҳалай" рақси ва бошқа миллий ҳаракатлар орқали воқеаларнинг кулгили вазиятлари бойитилган, балетмейстер Моҳинур Эргашева томонидан ишлаб чиқилган хореографик ечимлар спектаклнинг эстетик қийматини оширган. "Момо ер" спектаклида эса рақс метафора воситасига айланиб, саҳнадаги юмалоқ тўшама ва либослар орқали она ер, тақдир ва ҳаёт фалсафаси ифодаланган. Ушбу мисоллар миллий хореография анъаналарини замонавий услублар билан уйғунлаштириш имкониятларини кўрсатади.

Хулоса

Муסיқали театрда хореография нафақат саҳнани безовчи элемент, балки спектакл драматургияси, композицияси ва образлар тизимини шакллантирувчи муҳим бадий воситадир. У драматургик, характерологик, эмоционал-экспрессив, символик-метафорик, эстетик-композицион, ритмик-структуравий, маданий-интонацион ва

коммуникатив каби кўп қиррали функцияларни бажаради. Хореографиянинг самарадорлиги унинг мусиқа билан уйғунлигига, мавзу ва жанр талабларига мослигига ҳамда актёрларнинг пластик тайёргарлик даражасига боғлиқ. Мусиқа назарияси, хусусан ритм, темп, метр ва динамика тушунчаларини пухта ўзлаштириш хореограф ва раққосларга мусиқий материал билан мазмундор ва синхрон рақс композициясини яратиш имконини беради [4]. Ўзбекистон мусиқали театрларида миллий хореография анъаналарини сақлаган ҳолда замонавий сахна ечимларини қўллаш спектаклларнинг бадиий-эстетик савиясини оширишга хизмат қилмоқда.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Расулов У.Ў. Мусиқали театр санъатида мавзу ва жанрнинг уйғунлиги масаласи. – Oriental Art and Culture, 2022. – Volume 3 Issue 2. – Б. 930–933.
2. Файзуллаева Д. Театр санъатида рақснинг ўрни. – ЎзДСМИ, 2023. – Б. 1–7.
3. Алимджанова Н.А. Хореография таълим соҳасида мусиқа назарияси фанини ўзлаштиришнинг аҳамияти. – Oriental Art and Culture, 2022. – Volume 3 Issue 3. – Б. 239–242.
4. Тўраев М.Ж. Мусиқали театр актёрлари билан ишлашда тренинг машқлари ва овознинг аҳамияти. – Journal of Culture and Art, 2024. – II-жилд, 3-сон. – Б. 5–9.